# ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДЛАРИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

(Боши 2 ва 3-бетларда).

Республикада турмуш маданияти масалалари нақадар собитқадамлик билан ҳал этилаётганлигини таъкидлашни айниқса хоҳлардик. Бу масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бир неча марта муҳокама қилинди. Уларни амалга ошириш юзасидан конкрет чоралар кўрилди.

Тўққизинчи беш йиллик соғлиқни сақлаш ишларини янада ривожлантириш жиҳатидан ҳам шонли беш йиллик бўлди. Республикада янги касалхоналар, замонавий амбулатория муассасалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Тошкентда ажойиб медицина экспериментал маркази, илмий тадқиқот институтлари ишлаб турибди. Жумладан, қишлоқда медицина ёрдами ихтисослаштириб борилмоқда.

Сурхондарё областида қишлоқ касалхоналари кенг кўламда бошқатдан ташкил этилаётганлигини съездга мамнуният билан маълум қиламан. Биз медицина техникаси, аппаратлар билан яхши таъминланган катта-катта районлараро касалхоналар яратиш йўлида дадил қадам қўйиб бораяпмиз.

Ўнинчи беш йилликда медиклар олдида катта-катта вазифалар турибди. Биз мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш, ёш мутахассисларни тажриба билан қуроллантириш, даволаш-профилактика ишлари юксак самарали бўлиши учун курашиш, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш маданиятини йил сайин юксалтириб бориш ниятидамиз.

Ҳозирги вақтда мактабгача тарбия муассасаларини ривож топдириш диққат марказида турганлиги бизни қувонтиради. Тўққизинчи беш йилликда областимизнинг ўзидагина 133 та болалар боғчаси ва яслиси қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Бу аввалги беш йилликдагидан икки баравар кўп.

Соғлиқни сақлаш, турмуш маданиятида эришилган муваффақиятлар умуман катта, уларни ҳар бир меҳнаткаш кўриб турибди. Лекин биз эришилган ютуқлар билан хотиржам бўлиб қолмаслигимиз керак. Биз яқин вақтлар ичида ҳал этишимиз зарур бўлган муҳим проблемалар кўплигини биламиз.

Хуторларда яшаш қишлоқ меҳнаткашлари маданиятини яхшилаш ва уларга коммунал-маиший хизмат кўрсатиш йўлида жиддий говдир. Кўрилган чораларга қарамай, бизда хуторлар сусткашлик билан йўқотилиб бормоқда. Бунга сабаб маблағ етишмаслиги эмас. Кўпчилик колхоз ва совхозлар бақувват хўжаликлар бўлиб, қурилишга катта-катта маблағ сарф қилиб турибди. Лекин улар доимо бош планга мувофиқ ўйлаб иморатлар тушираётганлари, деб бўлмайди. Шу борада медицина ходимлари, айниқса санитария врачлари муайян роль ўйнамоқликлари лозим.

Юксак санитария маданиятисиз соғлиқни сақлаш ишларида муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу жиҳатдан олганда бизнинг Деновга эътиборни жалб қилишни хоҳлардим. Республика коммунал хўжалик министрлиги бу ерда шаҳарнинг санитария ҳолати даражасини юксалтиришга қодир объектлар қурилишини тезлаштирмоғи керак.

Яна бир гапни айтиб ўтишга рухсат бергайсиз. Термиз яқинида катта-катта минерал сув запаслари аллақачон топилган ва ўрганиб чиқилган. Бу сувнинг шифобахш хусусияти машҳур Мацеста курорти сувидан қолишмайди. Бу ердаги қулай иқлимий шароитлар ва табиий омиллар бальнеологик комплекс яратилишига имконият беради. Шундай комплекс қурилишини тезлаштириш масаласи тегишли ташкилотлар олдига неча марта қўйилган бўлишига қарамай, ҳозиргача ҳал қилинмай келинаётир.

Сурхондарё областининг меҳнаткашлари бир ёқадан бош чиқариб жонажон Ўзбекистон, бутун мамлакат муваффақиятларини кун сайин кўпайтириб борадилар, КПСС XXV съездини муносиб кутиб оладилар, деб съезд делегатларини ишонтиришга рухсат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ С. М. ТОИРОВ нутқи

**Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари**

Партиямиз Ленин йўлига қатъий амал қилиб, мамлакатимизни социал ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг улуғвор программасини ижодий равишда изчиллик билан ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда, бутун тараққийпарвар инсониятнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун курашмоқда.

Жиззах областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг бунёдкорлик фаолиятини батамом ва тўла-тўкис маъқулламоқдалар, жонажон ленинчи партиянинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг коммунистик қурилиш ишига, партия XXIV съезди тарихий қарорларининг бажарилишига шахсан қўшган ҳиссасини юксак баҳоламоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия раҳбарлигининг ленинча принципларини муттасил амалга ошириб келмоқда. Ички партиявий турмушимиз учун қонун бўлиб қолган соғлом вазият, ижодий талабчанлик муҳити ҳамда муваффақиятларимизнинг негизи бўлиб хизмат қилмоқда, десам съезддаги барча делегатларнинг фикрини изҳор этган бўламан. Шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сабот билан, пухта ўйлаб олиб бораётган ишларнинг натижасидир. Биз съездга шуни маълум қиламизки, жиззахликлар тўққизинчи беш йиллик топшириқларини асосий кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари бажардилар. Пахтачиликни юксалтиришда муайян муваффақиятларга эришилди. Давлат хирмонига пландан ташқари 217 минг тонна пахта топширилди.

Беш йиллик давомида Мирзачўлнинг биргина Жиззах зонасида 85 минг гектар янги ер ўзлаштирилди, пахта ва бошқа экинлардан муттасил мўл ҳосил етиштириш учун шароит яратилди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси бизнинг кўз ўнгимизда янги улуғвор режалар манзарасини намоён қилди.

Жиззах даштини ўзлаштириш ва суғориш юзасидан Коммунистик партия ишлаб чиққан ва КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида кўзда тутилган режалар бизни ғоят қувонтирмоқда ва янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда. Чўлқуварлар янги ерларни ўзлаштириш соҳасида бой тажриба тўплаганлар. Энди биз ана шу тажрибадан Жиззах даштида фойдаланишимиз керак.

Ўнинчи беш йиллик охирига бориб область ҳар йили беш юз минг тонна пахта етиштириб берадиган бўлиши лозим. Бунинг учун республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Средазирсовхозстрой» Жиззах массивини жадал ўзлаштиришлари, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларни ишга тушириш соҳасидаги қолоқликни тугатишлари зарур.

Область партия ва совет органларининг куч ғайратлари, колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнати натижасида беш йиллик мобайнида пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштириш анча кўпайди. Чорва маҳсулдорлиги ошди, чорвачилик маҳсулоти ва балиқ етиштириш кўпайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини концентрациялаш ва ихтисослаштириш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шу беш йилликда жами ғаллазорларни 270 минг гектарга етказиш вазифаси ўртага қўйилмоқда.

Қўриқ ерларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан ташқари, индустрия ҳам барпо этилмоқда. Кейинги йилларда бу ерда саноатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари кўпайганлиги туфайли ишлаб чиқариш ҳажми 2,3 баравар ортди. Юзлаб километр газ тармоқлари ва электр магистраллари фойдаланиш учун топширилмоқда, ўн минглаб меҳнаткашларнинг оилалари янги шинам квартираларга кўчиб кирди. Жиззах даштида Ўзбекистоннинг янги саноат маркази — Ульяново шаҳри вужудга келмоқда. Бизда кон-руда саноатини ривожлантириш имкониятлари бор.

Ёш областимизнинг муваффақиятлари — ленинча миллий сиёсатнинг чинакам тантанасидир. Совет Иттифоқидаги 60 дан ортиқ миллат ва элатнинг фарзандлари шу саховатли диёрда ўз бахтини топди. Улар хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Барча меҳнаткашларни интернационализм руҳида, севикли Ватанимиздаги ҳамма халқларга қардошларча муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб қилинаётган иш учун биз Коммунистик партиядан ғоят миннатдормиз.

Биз эришилган муваффақиятларни муносиб баҳолаш билан бирга ҳали ҳал этилмаган масалалар борлигини, бутун ишимизни янада яхшилаш резервларидан тўла-тўкис фойдаланилмаётганлигини ҳам равшан кўриб турибмиз. Область партия конференциясининг делегатлари шу ҳақда гапирдилар. Область партия комитети айтилган таклифларни синчиклаб ўрганмоқда, уларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқмоқда.

Жиззах область партия ташкилоти бундан буён ҳам КПСС Марказий Комитетининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг содиқ таянчи бўлиб қолаверади, область коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг куч-ғайратларини Ленин партияси планларини бажаришга сафарбар этаверади. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ В. Н. СИВЕЦ нутқи

**В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори**

Ўзбекистон меҳнаткашлари партия ташкилоти раҳбарлигида хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

Тошкентлик самолётсозлар умумий меҳнат зафарларига каттагина ҳисса қўшаяптилар. Бирлашма коллективи якунловчи йил ва умуман тўққизинчи беш йиллик плани ва социалистик мажбуриятларини барвақт бажарди. Юксак техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришилди, замонавий самолёт ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу меҳнат ғалабалари бирлашма инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ижодий илҳомбахш меҳнатининг, партия ташкилотининг собитқадам ташкилий ва сиёсий ишларининг, Совет Иттифоқи Компартияси Марказий Комитети, Совет ҳукумати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг бизга доимий диққат-эътиборлари натижасида эришилди.

Корхонамиз янги ишлаб чиқариш структурасига ўтиши — беш йиллик бошларида қудратли завод базасида катта ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилиши шу юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишга анча ёрдам берди. Бу эса ишчилар сонини озгина оширган ҳолда маҳсулот ҳажми ва унинг реализациясини кескин равишда кўпайтиришга имкон берди.

Бирлашма доирасида ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш, кўпгина бошқариш функцияларини автоматлаш ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятида юксак кўрсаткичларга эришилишини таъминлаётганлигини ҳамда катта иқтисодий самара бераётганлигини иш натижалари кўрсатмоқда.

Беш йиллик мобайнида уй-жой ва саноат қурилиши юзасидан белгиланган топшириқлар ошириб бажарилди. Кўпгина оилалар шинам квартиралар олдилар, ёки ўзларининг уй-жой шароитларининг яхшиладилар. Овқатланиш комбинати, болалар касалхонаси ва кўп профилли касалхона ишга туширилди, кўпгина мактабгача тарбия муассасалари, магазинлар қурилди, Маданият саройи, қишки кинотеатр, тим бозор қурилмоқда.

Коллективимизда КПСС-нинг XXV съездига мисли кўрилмаган сиёсий руҳ ва меҳнат шавқ-завқи билан тайёргарлик олиб борилмоқда. Социалистик мусобақа янада кенг қулоч ёйди. Альбина Девятова, СССР Олий Советининг депутати Татьяна Ляшко, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Назрулла Маннопов ватанпарварлик ташаббусларини бошлаб бердилар.

Чкалов номли завод ишчилари ўнинчи беш йилликни хайрли бошладилар. Январь ойи плани муваффақиятли бажарилган бўлсада, коллектив шу билан қаноатланиб қолмаётир. Олдимизда турган вазифаларни комплекс равишда ҳал қилмоқ учун партия комитети коллективининг техника-иқтисодий ва социал тараққиёт беш йиллик планини ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши план ва социалистик мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

Ўнинчи беш йилликда корхона партия ташкилотлари, ишлаб чиқариш командирлари, барча меҳнаткашлари ички резервлардан фойдаланишни яхшилаш ва ишимиздаги мавжуд камчиликларга барҳам бериш борасида кўп ишлар қилиши лозим.

Бирлашмада амалда бўлган сифатни бошқариш системаси жамики маҳсулотнинг камида 97 процентни биринчи тақдим этилишидаёқ топширилишини кўзда тутади. Шу вазифанинг бажарилиши конструктор, технологдан бошлаб бевосита ижрочи — ишчигача ҳамманинг иш сифатига боғлиқ.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигини тугатиш учун кураш, ҳар бир меҳнаткашни топширилган иш учун масъулият руҳида тарбиялаш бошқа корхоналар сингари бизнинг коллективимиз учун ҳам меҳнат унумдорлигини янада ошириш резерви ҳисобланади.

Бирлашма ходимларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида қилинадиган ишлар кўп. Ўнинчи беш йилликда авиасозлар шаҳарчаси комплекс равишда қуриб борилади.

Сўзга чиққан ўртоқлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишига юксак баҳо бердилар. Мен ҳам берилган шу баҳога қўшиламан.

Бирлашма партия ташкилоти, меҳнаткашлари ишни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда янада юксак кўрсаткичларга эришиш учун ҳамма куч, билим, маҳорат ва тажрибаларини сарфлайдилар ва КПССнинг XXV съездини муносиб кутиб оладилар, деб съездни ишонтиришга рухсат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ М. А. ЗОИДОВ нутқи

**Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси**

Республика касаба союзлари партия съездига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварагига маҳкам жипслашган, ташкилий ва сиёсий жиҳатдан чиниққан, катта ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар тажрибаси билан бойиган ҳолда келдилар.

Республика касаба союзлари КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорларини бажара бориб, КПСС иқтисодий сиёсатининг конкрет масалаларини амалга оширишда актив иштирок этдилар, социалистик мусобақани ривожлантириш тўғрисида, унинг формаларини такомиллаштириш ҳақида, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўғинларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ошириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар.

Бугунги кунда халқ хўжалигининг ҳамма бўлинмаларини социалистик мусобақа қамраб олган. Унда икки миллион уч юз мингдан кўпроқ киши қатнашмоқда. Уларнинг ярмидан кўпроғи меҳнатга коммунистик муносабат учун оммавий ҳаракатида иштирок этмоқда.

Касаба союзлари ишчи ва хизматчиларнинг техника ижодкорлигини оширишга актив кўмаклашмоқдалар. Натижада ижтимоий ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ошди. Ихтирочилар ва рационализаторларнинг 120 минг кишилик ташкилоти рационализаторларнинг 800 минг сўмликдан зиёд иқтисод фонди яратиш ҳақидаги социалистик мажбуриятни бажарди. Тўққизинчи беш йилликда меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга давлат ажратган маблағлар саккизинчи беш йилликдагидан 50 миллион сўм кўпайиб, 173 миллион сўмни ташкил қилди. Ишчиларни махсус коржомалар ва озиқ-овқат билан таъминлаш анча яхшиланди.

Ҳисобот даврида меҳнаткашларнинг давлат социал страхованиеси, уларга санаторий-курорт хизмати кўрсатиш, туризмни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида касаба союзларининг фаолият миқёси кенгайди.

Санаторий ва дам олиш уйларида янгидан мингга яқин ўрин ишга туширилди, туризм тармоғи анча кенгайди, янгидан 70 та стационар пионер лагерлари очилди. Шифохоналарда асосан бепул ва имтиёзли йўлланмалар билан ҳар икки касаба союз аъзосидан бири даволанди ва дам олди, ишчи ва хизматчиларнинг 1 миллион 300 минг фарзанди ўз каникулларида пионер лагерларида дам олди. Туристлар ва экскурсиячиларга саккизинчи беш йилликдагига нисбатан 3 баравар кўп хизмат кўрсатилди, уларга кўрсатиладиган хизмат ҳажми деярли 5 баравар ошди.

Бу беш йилликда республикада меҳнаткашларга санатория-курорт ва туристик хизмати кўрсатишни янада ривожлантириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

Биз меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, маданий-оқартув муассасалари тармоғини кенгайтириш, улар фаолиятининг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз керак.

Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида мамлакатимиз социал иқтисодий тараққиётининг янги муҳим босқичида республика партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг вазифалари аниқ баён этиб берилган.

КПСС Марказий Комитетининг «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳаси, КПСС Марказий Комитетининг 1975 йил декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш соҳасидаги қарори ишлаб чиқариш самарадорлигини ва халқ хўжалигидаги барча ишлар сифатини ошириш борасидаги фаолиятимизни янада кенг авж олдириш вазифаларини олға суради.

Республика касаба союзлари меҳнаткашларнинг ижодий активлигига таяниб, социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида ҳар бир ишчи-колхозчи, инженер ва техникни янги беш йилликдаги социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этишни ўзларининг асосий вазифалари деб билмоқдалар.

Биз ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, барча категориядаги ходимлар ўртасида ҳуқуқ билимларини кенг пропаганда қилиш, уй-жой, мактаблар, шифохоналар ва болалар муассасалари қурилиши планларини бажариш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишини яхшилаш, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига совуққонлик ва эътиборсизлик билан қарашнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб бориш учун қатъият билан ва ташаббус кўрсатиб ишлашни ўз вазифамиз деб биламиз.

Республика касаба союзлари ўзларининг ташкилотчилик фаолиятларини қунт билан яхшилайдилар, бу ишнинг услуб ва методларини такомиллаштирадилар, ҳар бир ташкилотнинг жанговарлигини оширадилар, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб этадилар, ишчилар йиғилишлари ролини оширадилар, ишлаб чиқариш ва социал масалаларни ҳал этишда бу йиғилишларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланадилар.

Республика касаба союзлари бундан буён ҳам жонажон партияга чексиз содиқ бўлиб қоладилар, унинг сиёсатини актив амалга ошираверадилар, ишчилар оммаси орасида партиянинг ишончли таянчи бўлиб қоладилар, коммунистик қурилиш ишида ўзларининг куч-қувватлари ва ижодий ғайратларини кўпайтираверадилар. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ М. ХУДОЙБЕРГАНОВ нутқи

**Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари**

Шу кунларда бутун фикр ва туйғуларимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг яқинда ўтказиладиган XXV съездига қаратилган.

Хоразм областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиямизнинг сиёсий йўлини, унинг жанговар штаби — ленинчи Марказий Комитетнинг, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюронинг амалий фаолиятини қизғин маъқуллаб, якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар, социал-иқтисодий вазифаларни ва КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасини амалга ошириш соҳасида қилаётган катта ишлари учун, халқ бахт-саодати тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги учун ўртоқ Л. И. Брежневга самимий миннатдорчилик ва ташаккур изҳор қилмоқдалар.

Совет халқларининг қардошлик оиласида социалистик Ўзбекистон ҳам экономика ва маданиятни ривожлантиришда мислсиз баланд чўққиларга кўтарилди. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладини республикамиз учун қонуний фахрланиш туйғуларига тўлиб тошган ҳолда зўр эътибор билан тингладик. Ҳисобот докладида Марказий Комитетнинг, бутун республика партия ташкилотининг партия XXIV съезди қарорларини, тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини бажариш соҳасидаги кўп қиррали фаолияти батафсил кўрсатиб берилди. Марказий Комитет ўз фаолиятининг услуби ва методларини сабот-матонат ва собитқадамлик билан такомиллаштирмоқда, партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини ошириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқда. Хоразм область партия ташкилотининг делегатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги сиёсий ва амалий фаолиятини тўла-тўкис маъқуллаш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлайдилар.

Хоразм областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари ҳамма асосий кўрсаткичлар бўйича тўққизинчи беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилишини таъминладилар. Шу билан бирга область халқ хўжалигининг айрим тармоқлари беш йиллик контроль рақамларида белгиланганидан суст ривожланмоқда, ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш резерв ва имкониятларидан эса тўлиқ фойдаланилмади.

Область партия комитети кадрларга нисбатан талабчанликни оширди, уларнинг иши устидан назоратни кучайтирди. Коммунистларни соф виждонли бўлиш, камтарлик, юксак ғоявийлик, эришилган муваффақиятларга танқидий баҳо бериш руҳида, камчиликларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашга кўпроқ эътибор қилина бошланди. Ишлаб чиқаришда қолоқ тармоқларни илғор тармоқлар қаторига ўтказиш, уларни сиёсий жиҳатдан етук ходимлар билан мустаҳкамлаш чоралари амалга оширилмоқда.

Область партия ташкилоти пахта етиштиришни кўпайтиришни ўзининг энг муҳим бурчи деб билади. Биз экин майдонларини кенгайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак. Биз ер ресурсларининг чекланганлигини эътиборга олиб, кийин ўзлаштириладиган кам ҳосил массивларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Аммо бу ишлар учун ажратиб берилган маблағ ерларни белгиланган ҳажмларда ўзлаштиришни таъмин этмаяпти.

Бизни яна бир нарса ташвишга солади. Қўриқ ерларни ўзлаштиришга қилинадиган сарфларни қисқартириш учун лойиҳаларда кўпинча талайгина объектлар кўзда тутилмайди. Бунинг натижасида янги ерларни ишга солиш муддатлари чўзилиб кетмоқда, бу ерлардан самара олиш муҳлатлари ҳам кечикмоқда. Республика Госплани ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги биз билан маҳкам алоқа боғлаб, ўртага қўйилган масалаларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишлари керак.

Бизнинг фикримизча, пахта етиштиришни моддий жиҳатдан рағбатлантириш практикасини такомиллаштириш лозим. Бунда гап пахтадан мўл ҳосил етиштираётган хўжаликлар ва районлар одатда ғоят тиғиз планларга эга бўлиб, пландан ташқари сотиладиган пахта учун қўшимча ҳақ олиш имкониятлари чеклаб қўйилганлиги тўғрисида боряпти.

Хоразм социал-иқтисодий ва маданий-маиший тараққиётининг тарихан таркиб топган хусусиятлари, аҳолининг сони ва меҳнат ресурсларининг тез ўсиб бораётганлиги областдаги ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантиришни талаб этади. Область партия комитети ва область ижроия комитети тегишли тадбирларни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этди. Ўнинчи беш йилликдаги халқ хўжалик планларини узил-кесил ишлаб чиқиш вақтида бу таклифлар эътиборга олинади, деб ишонамиз.

Область меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, 1976 йил халқ хўжалик планини ва шу йил учун олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, жонажон Коммунистик партиямизнинг XXV съездини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқдалар. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ М. ИСОҚОВА нутқи

**Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси**

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози тўққизинчи беш йилликда хўжаликнинг барча тармоқларида юксак кўрсаткичларга эришди. Сут етиштириш 1966 — 1970 йиллардагига нисбатан 2,7 баравар, гўшт етиштириш икки баравар кўпайтирилди. Бунда партия ташкилотининг хизмати каттадир. Мен тўққизинчи беш йилликда 694 тонна сут соғиб олиб, планни 132 процент бажардим.

Хўш, ишда юксак самарадорликка қандай эришмоқдамиз? Аввало, фермамизда мустаҳкам меҳнат интизоми ўрнатилган. Чорвачиликдаги ходимларнинг ярмини коммунистлар ташкил этади. Улар меҳнат жараёнларини механизациялаштиришда, фан ва техника ютуқларини жорий этишда намуна бўлмоқдалар.

Сўнгги вақтларда чорвачиликдаги меҳнат беқиёс ўзгарди. Буни фермамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Илгари бизда ҳамма иш қўл билан бажарилар эди. Кам ва паст сифатли маҳсулот олардик. Илгари бир сут соғувчи 15-16 сигирни боққан бўлса, ҳозир 25-30 сигирни боқмоқда. Ферма электрлаштирилган, механизациялаштирилган бўлиб, бу эса сут соғувчиларга ўз малакасини оширишга, болаларини тарбиялашга, маданий дам олишга кўпроқ вақт ажратиш имконини берди.

Фермамизда мураббийлик яхши анъана бўлиб қолди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳикоят Абдуллаева менинг устозим эди. Бугун эса, менинг ўз шогирдларим бор. Булар — Валида Мусаева, Мактуба Салимова, Дусенгул Кўчкинбоевалардир. Мен уларга ўз маҳоратим «сирлари»ни бажонудил ўргатмоқдаман.

Колхозимиз аъзолари КПСС Марказий Комитети 1975 йил декабрь Пленумининг қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳасини ишчанлик билан муҳокама қилиб, қизғин маъқулладилар. Чорвадорлар янги беш йилликнинг биринчи йили учун ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилдилар. Мен ўзимга бириктирилган ҳар бош сигирдан 6100 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олдим.

Аммо колхозимиз чорвадорлари эришган муваффақиятлар тўғрисида гапира туриб, умуман Тошкент областик бўйича чорвачилик ҳали тегишли даражага етмаганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Шундай районлар ва хўжаликлар борки, буларда ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут атиги бир ярим — икки минг килограммни ташкил этади.

Ҳар бир чорвадорнинг, ҳар бир раҳбарнинг бурчи шуки, у юксак кўрсаткичларга эришиш учун курашмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир хўжаликда имкониятлар бор. Бу имкониятлар озуқа базасини мустаҳкамлашдан, чорвачиликни саноат негизига ўтказишдан, илғорлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини жорий этишдан иборатдир. Ана шу режалар рўёбга чиқарилаётган жойларда кўп сут соғиб олинмоқда ва моллар яхши семирмоқда. Бутун иш одамларга, уларнинг меҳнатга бўлган муносабатига боғлиқ.

Колхозимиз чорвадорлари совет халқининг турмуш даражасини янада яхшилаш учун ўз куч-ғайратини аямайдилар. Сут соғувчиларимиз яқин вақт ичида ҳар бир сигирдан соғиб олинадининг сифатли сут миқдорини планда белгиланган 3850 килограмм ўрнига 4500 килограммга етказишни мўлжалламоқдалар. Бу эса ўнинчи беш йилликни сифат ва самарадорлик беш йиллиги қилиш тўғрисида партия даъватига жавобимиз бўлади. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ Э. Ғ. ҒАФУРЖОНОВ нутқи

**Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари**

Ўзбекистон комсомоли коммунистларнинг доимий ғамхўрлиги туфайли съездга ташкилий ва сиёсий жиҳатдан чиниққан ҳолда келди. У сон жиҳатидан ўсди. Бугунги кунда Ўзбекистон комсомоли ўз сафида 1 миллион 630 минг йигит ва қизни уюштирган.

Шуни ҳис этиш бизга қувончлики, республика комсомолларининг коммунистик қурилишга қўшган ҳиссани Ватан юксак тақдирлади. Ўзбекистон комсомоли ўзининг 50 йиллигида олий ҳукумат мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди.

Ёш авлод Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг муттасил ғамхўрлигини ҳамиша ҳис этмоқда. Ўйлаймизки, комсомол ташкилотларига бундай раҳбарлик қилиш ҳар бир партия комитети учун, партиянинг ҳар бир раҳбар ходими учун характерли фазилат бўлиши керак.

Тўққизинчи беш йиллик бутун совет халқи ҳаётида, республика комсомоли ҳаётида шонли воқеа бўлиб қолди. Шу йилларда ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг ёш гвардияси ўзининг партия ишига садоқатини янги куч билан намоён этди, 304 нафар ишлаб чиқариш зарбдори икки беш йиллик топшириқларини бажарди, 80 минг йигит ва қиз Ленин комсомолининг партия XXV съездига берадиган рапортига имзо чекиш шарафли ҳуқуқига эришди.

Биз бундан буён ҳам барча ёш меҳнатчиларни мусобақага жалб этаверамиз.

Ҳозир ўн бешта республика комсомол қурилишларида 35 минг йигит ва қиз меҳнат қилмоқда. Тўққизинчи беш йилликда студент қурилиш отрядлари 120 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Комсомол Марказий Комитети ёшларнинг зарбдор қурилишнинг олдинги марраларида бўлишга интилишларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади.

Пахта республика барча меҳнаткашларининг катта ғамхўрлиги билан қуршаб олинган экин, республика барча меҳнаткашларининг ифтихоридир. Ўтган йили Ўзбекистон комсомоли 100 минг нафар механизатор тайёрлаш мажбуриятини олган эди. Биз сўзимизнинг устидан чиқдик. 120 минг йигит ва қиз қишлоқ хўжалик техникасининг устаси бўлиб олди. Шу билан бирга биз тегишли органлардан ўқитиш программасини яхшилашни, механизаторлик умумий таълим тўгаракларига энг тажрибали ва малакали мутахассисларни юбориш, механизаторлар тайёрлаш бутун системасини энг замонавий техника билан таъминлашни сўраймиз. Механизаторлик курсларини битириб чиққан қиз-жувонларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик қилиш керак. Уларни ишга жойлаштириш, уларга техникани бириктириб қўйиш, тажрибали мураббийларнинг оталиғини уюштириш ҳамиша диққат марказимизда туриши керак.

Мўл-кўл маккажўхори ҳосили етиштириш учун кураш ёшлар Союзимиз фаолиятида янги ёрқин саҳифа бўлиб қолди. Механизатор кадрлар тайёрлаш сингари бу экинни оталиққа олишимиз ҳам ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Ўзбекистон ёш маккажўхорикорлари ва механизаторларига йўллаган табрикномасида юксак баҳога сазовар бўлди. Ёшлар коллективларининг фидокорона меҳнати суғориладиган ҳар бир гектар ердан фойдаланишни яхшилаш, дон етиштиришни кўпайтириш имконини берди. Шу билан бирга, эришилган муваффақиятлар ҳали чегара эмаслигини биламиз.

Қишлоқда турмуш маданиятини тубдан яхшилаш проблемаси Ўзбекистон Компартиясининг диққат марказида турибди. Бу вазифани ҳал этиш биз учун шу боисдан ҳам айниқса актуалки, қишлоқ меҳнаткашларининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этади. «Қишлоқ турмушига — комсомол ғамхўрлиги!» ҳаракати ҳар бир бошланғич комсомол ташкилотининг, барча комсомол комитетларининг шон-шараф иши бўлиб қолиши учун барча зарур чораларни кўрамиз.

Ёш авлодни марксча-ленинча чиниқтириш коммунистик тарбия системасида энг муҳим масала бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бу вазифани ҳал этишда ленинча синовлар кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда. Республиканинг салкам икки миллион йигит ва қизлари Ленин назарий меросининг бебаҳо ҳазинасидан баҳраманд бўлмоқда, партия ҳужжатларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев асарларини чуқур ўрганмоқда.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида республика халқ хўжалигининг турли соҳаларига яна салкам икки миллион йигит ва қиз келади. Бу

(Давоми бешинчи бетда).

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «1976—1980 ЙИЛЛАРДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДА ПАРТИЯ XXV СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

(Боши бешинчи бетда).

Ноёб насос станцияларн каскадига эга бўлган Қарши магистраль канали, Ульянов канали, шунингдек, қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноатининг йирик объектлари ишга туширилди. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида Мирзачўл ва Қарши чўлининг қўриқ совхозлари давлатга 1650 минг тонна пахта топширдилар. Мирзачўл қўриғи ўзлаштирила бошланганидан буён салкам 2500 минг тонна пахта топширилди. Амударёнинг қуйи соҳили шоликорлари 511 минг тонна шоли етиштирдилар. Қўриқ ер шунингдек, кўплаб сабзавот, мева, узум ва полиз маҳсулотларини мамлакатга етказиб бермоқда.

КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва республика ҳукуматининг чўлқуварларга ғоят катта ва доимий ёрдам кўрсатиб келаётганлиги, уларнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли шундай муваффақиятларга эришдик.

Бошқармамиз фаолиятида ҳали жиддий камчиликлар борлигидан кўз юмолмаймиз. Янги суғориладиган ерларни ишга тушириш ва совхозларда марказий қўрғонлар қуришда номутаносиблик ҳамон тугатилмаган. Асосий фондларни ишга тушириш беш йиллик плани, инженерлик шохобчалари ва коммуникацияларини фойдаланишга бериш топшириқлари тўла бажарилмай қолди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида Ўзбекистонда ингичка толали пахта етиштириш бўйича Қарши даштида янги йирик район вужудга келтириш ҳамда Жиззах чўлини ўзлаштириш ишларини авж олдириш кўзда тутилган. Қорақалпоғистон АССРда шоликорликни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишларни давом эттириш назарда тутилади. Бу катта ва масъулиятли вазифа «Главсредазирсовхозстрой» ташкилотлари ва корхоналари фаолиятига ҳам тўла-тўкис таааллуқлидир.

Чунончи, ўнинчи беш йилликда Қарши чўлини ўзлаштиришга қарийб 1 миллиард сўм маблағ сарфланади, 110 минг гектар янги суғориладиган ерлар тахт қилиб қуйилади. Беш йилликда бу ерда қарийб бир миллион тонна, шу жумладан 200 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилади. Жиззах ва Мирзачўлда 65 минг гектар янги суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилади. Беш йилликда пахта етиштириш 1100 минг тоннадан ошиб кетади.

Қорақалпоғистон АССРда шоликорликни ривожлантириш борасидаги ишлар суръати анча ошади. Бу ерда 50 минг гектар ер тайёрлаб қўйилади, беш йилликда шоли етиштириш 1120 минг тоннага етади.

Бошқарма бўйича ўнинчи беш йилликда Ўзбекистонда 230 минг гектар янги суғориладиган ерлар пахта ва шоли етиштиришга тахт қилиб қўйилади. 1,5 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади, кўплаб умумий таълим мактаблари, мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар, клублар қурилади.

Шунингдек, йиғма темир-бетон, норуда материаллар ишлаб чиқариш саноати корхоналарининг қувватини янада ошириш кўзда тутилади.

Янги беш йилликда мўлжалланган улкан ишлар программасини фан, техника ва илғор тажрибанинг энг янги ютуқларини кенг жорий қилиш, капитал маблағлар самарадорлигини ошириш ва қурилиш, саноат ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида сифат кўрсаткичларини кескин яхшилаш орқали ошириш мумкин.

Маълумки, ғўза парваришида энг сермеҳнат ва қимматга тушадиган жараён сувчининг меҳнатидир. Мирзачўл ва Қарши чўлларидаги 80 та пахтакор совхозда эгилувчан суғориш шланглари қўлланилмоқда, бу ерда сувчининг меҳнат унуми ошди, сарф-харажатлар камайди, бу харажатлар оддий суғориш усулига нисбатан икки баравардан зиёд камайди. Бироқ республика хўжаликларини эгилувчан шланглар билан таъминлаш масаласи эса ҳал этилмай келинаётир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бу муҳим масалани ҳал этишда бизга ёрдам беришларини сўраймиз.

«Главсредазирсовхозстрой» ташкилотлари ва корхоналари коллективлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, коммунистик қурилишнинг янги босқичида партия белгилаган вазифаларни муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ В. И. ТИМОХИН нутқи

**Андижон машинасозлик заводининг слесари**

Шу мўътабар минбарга чиқиб, Андижон областининг ишчилар синфи номидан гапириш шарафига муяссар бўлганлигимдан беҳад ҳурсандман.

Съездимиз ишчанлик руҳида ўтаётганлиги, келажак истиқболларнинг равшанлиги бизга ифтихор туйғуларини бахш этади. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси сатрлари мағзини чаққанимизда, партиямиз совет кишиларининг турмушини ленинча кенг назар билан кўраётганлигига, бизни ленинча донишмандлик билан янги зафарларга элтаётганлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиляпмиз.

Мен съездга йўл олаётганимда заводимиз коллективи делегатларга ишчилар партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, унинг олийҳиммат мақсадларини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини айтиб қўйишни илтимос қилдилар. Биз қўлга киритган муваффақиятларнинг ҳаммасига КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан Леонид Ильич Брежневнинг совет халқи фаровонлиги, ер юзида тинчлик тўғрисидаги ғамхўрлиги туфайли эришдик.

Бизнинг заводимиз замонавий станоклар ва механизмлар билан доимо таъминланмоқда, уни реконструкция қилиш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Ҳар бир ишчи аввалгидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Менинг иш унумим уч баравар ошди. Ҳаётимиз ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Кўп кишилар шинам квартиралар олишди, иш ҳақи 35 процент кўпайди, ёшлар учун яхшигина ётоқхона қуриб берилди.

Шу неъматларнинг ҳаммасига ўз-ўзидан эришилмаётганлигини яхши биламиз. Ҳозир биз эга бўлиб турган нарсаларнинг ҳаммаси ва эртага эга бўладиган нарсаларимиз ҳар бир меҳнатчининг қандай ҳисса қўшаётганлигига боғлиқ эканлигини тушунамиз.

Яқинда заводда бўлиб ўтган йиғилишда ўнинчи беш йилликка мўлжалланган тадбирлар тасдиқланди. Биз ўзимизнинг ҳамма имкониятларимизни чамалаб кўриб, ҳар бир ишчи маҳсулот ишлаб чиқаришни 35 процент кўпайтириши, умуман ишлаб чиқариш ҳажмини эса икки баравар ошириш мумкин, деган хулосага келдик.

Заводда гидро аппаратлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга энг яхши стандартларга мос келадиган пахта ортадиган универсал камера яратилмоқда. Бу машиналар пахтакорларнинг яхши ёрдамчилари бўлиб қолади.

Бизнинг заводимизда мураббийлар кўп. Шундай бўлса ҳам, баъзи малакали ходимлар ўз тажрибаларини бошқаларга ўргатишмаётир. Уларни ёшларга таълим ва тарбия беришдек олижаноб ишга жалб қилиш — партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг бевосита вазифасидир. Бу эса сифатни, иш самарадорлигини оширишнинг гаровидир.

Мен 25 нафар йигит ва қизга ўз касбимни ўргатганлигим билан фахрланаман. Уларнинг ҳаммаси яхши ишламоқда, ўқиб ўрганмоқда. Ҳар бир шаҳарда ёшларнинг техника ижодкорлиги учун шарт-шароит яратилиб қўйилса, ўқувчи ёшларга маслаҳат берадиган, фан-техника ютуқлари билан уларни таништирадиган, илғорларнинг тажрибасини ўрганадиган техника уйлари кўпайтирилса жуда соз бўлур эди.

Қувватлардан тўла-тўкис фойдаланиш каби проблемага ҳам эътиборингизни жалб қилиб ўтмоқчиман. Мавжуд қувватлардан яхшироқ фойдаланиш катта наф келтиради. Бизнинг заводимизда бу соҳада яхши режалар тузилмоқда. Аммо ўйлаб қўйилган режаларнинг ҳаммасини ҳам тегишли министрликлар ва идоралар қўллаб-қувватлаяпти, деб бўлмайди. Назаримда бу ишда қандайдир нуқсонга йўл қўйилаётир.

Андижон областининг меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, 1976 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш борасида бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилдилар. Шаҳримиздаги уч юздан ортиқ ишчи республика ишлаб чиқаришининг ўн илғори ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ўнинчи беш йилликда иккитадан шахсий беш йилликни бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборди. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ М. КАМОЛОВ нутқи

**Наманган область партия комитетининг биринчи секретари**

Наманган областининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг социалистик экономика ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантиришга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган жуда катта тинимсиз фаолиятини якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар ва маъқуллайдилар.

Серқуёш Ўзбекистонимиз иттифоқдош республикаларнинг қардошлик оиласида тўққизинчи беш йиллик давомида коммунизм қурилишининг янги чўққиларига кўтарилди. Бизнинг фахрланишга арзийдиган ютуқларимиз бор. Эришилган муваффақиятлар катта-катта янги зарафарларнинг гарови, ўнинчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажариш йўлидаги курашнинг ҳал қилувчи омили бўла олади.

Наманган областининг меҳнатчилари тўққизинчи беш йилликда республика халқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар. Саноат корхоналарининг коллективлари беш йиллик топшириқлари бажарилганлиги тўғрисида октябрь ойидаёқ рапорт берган эдилар. Корхоналарни реконструкция қилиш, ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштириш соҳасида катта иш қилинди. Саккизинчи беш йилликдагига нисбатан 220 миллион сўм кўп капитал маблағ сарфланди. Сув хўжалиги объектлари қурилишининг ўзигагина аввалги беш йилликдагига нисбатан 3,5 баравар кўп маблағ сарф қилинди. Наманган каналининг биринчи навбати белгиланган муддатдан илгари ишга туширилди.

Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси, уларнинг экономикаси анча мустаҳкамланди. Тўққизинчи беш йилликда область хўжаликлари давлатга 2 миллион 708 минг тонна ёки планда белгиланган топшириқдан салкам 200 минг тонна кўп «оқ олтин» сотди. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида катта силжишлар содир бўлди. Чорва туёғи кўпайди, унинг маҳсулдорлиги ошди.

Областимиз меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликни якунлар эканлар, фойдаланилмай ётган резервларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айрим корхоналарда қувватларни ўзлаштириш пайсалга солинмоқда, меҳнат унумдорлиги суст ўсмоқда, паст сифатли маҳсулот чиқариш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Қурилиш ташкилотларида механизмлардан яхши фойдаланилмаётир. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Қишлоқ хўжалигида ҳам резервлар жуда кўп. Пахтачилик ва чорвачиликка комплекс механизацияни кенгроқ жорий қилиш, деҳқончилик маданияти даражасини янада ошириш, суғориладиган ҳар бир гектарнинг самараси ва рентабеллигини кўтариш лозим. Бу масалалар район, шаҳар ва область партия конференцияларининг диққат марказида бўлди. Бу конференциялар танқид ва ўз ўзини танқид белгиси остида ишчанлик билан ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини муҳокама қилиш давомида ишчилар, пахтакорлар, қурувчилар, областнинг барча меҳнаткашлари ҳамма резервларни ишга солиш мақсадида амалий таклифларни ўртага қўйишди.

Ўнинчи беш йилликда саноат маҳсулоти ҳажми областда аввалги беш йиллик даражасидан 130 миллион сўмлик миқдорда кўпайтирилиши лозим. Капитал маблағ ҳажми деярли 30 процент ортади, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва халқ хўжалигининг бошқа тамоқлари янада ривож топади.

Область партия комитети экономика ва маданиятни ривожлантиришга партия раҳбарлиги услуби ва методларини такомиллаштириб, ҳозир коммунистларнинг бутун куч-ғайратини ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда амалга оширишга қаратмоқда. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, экономиканинг ҳамма сифат кўрсаткичларини кескин яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бизда бир қанча проблемалар борки, уларни ҳал этишда ёрдамга муҳтожмиз. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматидан «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» шойи газлама комбинатининг иккинчи навбати қурилишини тезлаштиришни илтимос қиламиз. Унинг қуриб битказилиши ишлаб чиқариш ҳажмини уч баравар зиёд ошириш имконини беради.

Аврли газламалар комбинатида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун катта имкониятлар бор. Биз шу корхонада тўқувчилик ишлаб чиқариши қурилиши тўғрисидаги масалани ҳал этишни илтимос қиламиз.

Область қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳам биз учун жуда муҳим масаладир. Кейинги йилларда Марказий Фарғонада учта катта пахтачилик совхози ташкил этилди. Аммо бу соҳада ҳали кўпгина ҳал этилмаган масалалар ҳам бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматидан Марказий Фарғона қўриқ ерларини комплекс ўзлаштириш масаласини кўриб чиқиб, ҳал этишни тегишли министрликларга топширишни сўраймиз. Чуст ва Косонсой районлари хўжаликларининг сув таъминотини қандай қилиб яхшилаш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Ўртада турган вазифаларнинг кенг кўлами биз, коммунистларнинг зиммамизга ишчанликни ошириш, ташкилотчилик ва сиёсий ишни доимо такомиллаштириш, социалистик мусобақа самарадорлигини ошириш масъулиятини юклайди. Съезд қатнашчиларини ишонтириб айтаманки, КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашган Наманган область партия ташкилоти область меҳнаткашларини КПСС XXV съезди ўртага қўядиган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга сафарбар қилади. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ З. НОРҚУЛОВА нутқи

**Пахтачи район партия комитетининг биринчи секретари**

Ҳисобот даври республикамиз учун ҳам, Пахтачи районимиз учун ҳам янги марраларга эришилган давр бўлди. Давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини топшириш плани асосий турлари бўйича муваффақиятли бажарилди. Район меҳнаткашлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ўтган йилнинг машаққатли об-ҳаво шароитларида йиллик планни шараф билан бажардилар.

Минерал ўғитдан фойдаланиш, пахта ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилишини бу ерда ҳар бир деҳқон яхши тушунади. Шу боисдан ҳам КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида минерал ўғит ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта эътибор берилганлиги бизни қувонтирмоқда. Буни биз партиянинг деҳқончиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлиги ифодаси деб биламиз.

Райондаги кўпгина хўжаликлар пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан юксак кўрсаткичларга эришдилар. Аммо бу гапдан биз ҳамма резервлардан фойдаланиб бўлдик, деган маъно келиб чиқмайди. Бу соҳада ҳали кўп иш қилишимиз лозим. Алмашлаб экишни жорий этиш чораларини кўриш энг муҳим вазифамиздир. Ўнинчи беш йилликда бу ишни ниҳоясига етказиш зарурлиги КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида жуда тўғри кўрсатиб ўтилган. Пахтакорлар бу талабни албатта бажарадилар. Биз ғўза туплари зичлигини ошириш каби катта резервлардан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Районимиздаги хўжаликларнинг кўпчилиги ҳосилни машинада териб олмоқда. Бултур 50 центнерлик ҳосил етиштириб, жами пахтани машинада териб олган машҳур механизатор Бобошер Шовхиев бу соҳада намуна кўрсатмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети унинг техникадан самарали фойдаланиш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади. Афсуски, ҳали ҳамма ходимлар ҳам серҳосил далаларда «зангори кема»лардан муваффақиятли фойдаланиш мумкинлигини тушиниб етганлари йўқ.

Хўжаликнинг бошқа тармоқларида ҳам илғор методларни қўлланиш катта наф келтиради. Районда ихтисослаштириш ва хўжаликлараро кооперация асосида чорвачиликни концентрациялаш иши олиб борилмоқда. Энди колхозларимиз гўштни ўзлари топширишмайди. Бу иш билан колхозлараро бўрдоқичилик пункти шуғулланади. Ҳозир ёш молларни боқиб семиртирадиган комплекс қурилмоқда. Сигирларни кўпайтириш, сут етиштиришни оширишнинг перспектив плани тузилди.

Қишлоқларнинг қиёфаси ва қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш тарзи ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда ўзгариб бормоқда, аҳолининг моддий фаровонлик даражаси ошмоқда. Бизнинг районимиз ҳам шунга мисол бўла олади. Тўққизинчи беш йилликда хўжаликларнинг фойдаси бир ярим баравар кўпайди. Маданий-маиший объектлар қурилишига тобора кўпроқ маблағ ажратилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб баъзи бир таклифларни айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир хўжаликларимизда қурилишнинг индустриал методларини қўлланиш учун иқтисодий имкониятлар бор. Аммо «Узколхозстрой» республика бирлашмаси ўзининг Самарқанд область бирлашмасини техника билан етарли равишда таъмин этмаётир. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан шу бирлашманинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш масаласини кўриб чиқишни илтимос қиламиз.

Съезд делегатларини ишонтириб айтаманки, Пахтачи районининг меҳнатчилари партиямиз томонидан ўртага қўйилган ҳамма топшириқларини шараф билан бажарадилар ва жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездини муносиб кутиб оладилар. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ М. Х. ҚУРБОНОВ нутқи

**Ўзбекистон ССР енгил саноат министри**

Ўзбекистон Компартиясининг XVIII ва XIX съездлари ўртасидаги даврда республика енгил саноатида капитал қурилиш анча ривож топганлигини, корхоналарни реконструкция қилиш, техника билан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш, саноат ва ишлаб чиқариш бирлашмаларини тузиш соҳасида катта-катта тадбирлар амалга оширилганлиги қувончлидир. Шуларнинг ҳаммаси ишчиларнинг қаҳрамонона меҳнати билан бирга қўшилиб, Ўзбекистон енгил саноатининг кўпгина коллективларига реализация қилинган маҳсулот ҳажми жиҳатидан тўққизинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш имконини берди.

Маҳсулот сифати йил сайин яхшиланмоқда. Маҳсулот турларининг 70 проценти ҳар йили янгиланиб турибди. Бизнинг 308 турдаги буюмимизга сифат белгиси берилди.

Корхоналар янги технология асбоб-ускуналари билан жадал таъминланганлиги тўққизинчи беш йилликнинг ўзига хос хусусияти бўлди. Саккизинчи беш йилликдагига қараганда икки баравар кўп асосий фондлар ишга туширилди. Саккизта янги корхона ишга туширилди, 12 та корхона реконструкция қилинди. 225 минг квадрат метр саҳнли уй-жой қуриб битказилди, бу эса саккизинчи беш йилликдагидан 1,5 баравар кўпдир.

Тошкентлик тўқувчилардан Лидия Павловна Казанцева билан Евгения Губина нинг даъватига биноан, республика енгил саноатининг минглаб ходимлари ўзлари ишлатаётган станок ва машиналар миқдорини кўпайтирдилар, ёндош касбларни ўрганиб олдилар. Леонид Ильич Брежнев ўзининг табрикномасида Л. П. Казанцеванинг меҳнатдаги жасоратини юксак баҳолади.

«Бир беш йилликда икки беш йилликни бажарамиз» деган ташаббус кенг оммалашди. Ўтган йил охирида 216 ишлаб чиқариш илғори шу маррага эришди. Бу одамлар Ўзбекистон енгил саноатининг чинакам олтин фондидир.

Биз енгил саноат меҳнатчиларининг ютуқларини холисона баҳолаш билан бирга, ишимизда камчиликлар, ҳал этилмаган вазифалар, фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятлар ҳам борлигини унутмаймиз. Министрлик коллегияси, саноат корхоналарининг коллективлари ишни такомиллаштириш учун зарур чораларни кўрмоқдалар.

Ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун биз бошқаришни такомиллаштириш, иш сифатини яхшилаш, талабчанликни ошириш, ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун масъулиятини кучайтириш тадбирларини белгилаяпмиз.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни қайта қуриш ниҳоясига етказилмоқда. Автомат бошқарувчи системасини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш янада ривож топади, асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллардан фойдаланиш яхшиланади. Ҳотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор берилади.

Ўнинчи беш йилликда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг асосий қисми меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади.

Елимлаш асосида гилам, тўқилмаган материаллар ишлаб чиқариш сингари янги тармоқларни барпо этиш, шунингдек кичик шаҳар ва посёлкаларда янги корхоналар ҳамда филиаллар қуриш мўлжалланмоқда. Бу тадбир республиканинг меҳнат ва хом ашё ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

Ўнинчи беш йиллик — ишлаб чиқаришнинг сифати ва самарадорлигини ошириш беш йиллигидир. Шунга мувофиқ равишда министрлик саноат ҳамма тармоқлари самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш планини ишлаб чиқди. Шу беш йилликнинг ўзидаёқ маҳсулотларнинг бешдан бир қисмини сифат белгиси билан ишлаб чиқаришга эришиш мўлжалланмоқда.

Қурилиш ташкилотлари капитал маблағларни ўзлаштириш планларини бажармаётганлиги ва объектларни кўпгина кам-кўстлари билан топшираётганликлари бизни ташвишга солмоқда. Енгил саноат объектларини яхши сифат билан ишга туширишни жадаллаштиришни таъминлайдиган чоралар кўрилиши керак.

Енгил саноат ходимлари КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасига ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорига жавобан беш йиллик топшириқларини ошириб бажариш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳаракатини кенгайтирмоқдалар. Ўнлаб илғор ишчилар бир беш йилликда икки беш йилликни бажариш мажбуриятини олдилар.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг белгиланган суръатларини таъминлаш учун биз Тошкентдаги «Малика» трикотаж фирмасини, Самарқанд шойи тўқиш фабрикасини, Марғилон ипак комбинатини ва бошқа объектларни реконструкция қилишни кўзда тутишни Госпландан илтимос қиламиз. Кадрларимизнинг корхоналарда мустаҳкам ўрнашиб қолиши учун ўнинчи беш йилликда 600 минг квадрат метр уй-жой қуриш зарур. Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқарган корхоналарни моддий рағбатлантиришнинг ягона системасини жорий қилиш масаласини ҳал этиш пайти келди.

Енгил индустрия меҳнатчилари ўнинчи беш йилликнинг улуғвор марраларига эришиш учун бутун кучларини сарф қиладилар. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ М. ЭШОНҚУЛОВА нутқи

**Китоб районидаги К. Маркс номли колхоз бригадири**

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси районимиздаги ҳамма партия ташкилотларида, меҳнаткашларнинг йиғилишларида батафсил ва атрофлича муҳокама қилинди. Биз бу тарихий ҳужжатни тўла-тўкис маъқуллаймиз.

Лойиҳада Қарши даштини ингичка толали пахта ўлкасига айлантириш кўзда тутилган. Бу ғамхўрлик бизни беҳад қувонтиради ва меҳнатда янги зафарларга руҳлантиради.

Тўққизинчи беш йилликда биз халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида катта муваффақиятларга эришдик. Бизнинг районимизда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида кўпгина иш қилинди. Асрлар бўйи мудраб ётган Макрид массивининг бир қисми ўзлаштирилди. Шу ерларда беш йиллик мобайнида 50 минг тоннадан кўпроқ пахта ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди.

Умуман беш йиллик мобайнида районимиз пахтакорлари мамлакатга планда белгиланган 139 минг тонна ўрнига 154 минг тонна пахта бердилар. Бизнинг бригадамиз ҳам катта муваффақиятларга эришди. Комсомол ва ёшларимиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, беш йиллик планни тўрт йилда бажардилар. Пахта ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 50 центнерга етди.

Илгари деҳқонларимиз бу қадар мўл ҳосил олишни орзу ҳам қила олмас эдилар. Ҳамма иш қўлда бажарилар эди. Энди аҳвол бутунлай ўзгариб кетди. Ўзбек деҳқонларининг янги авлоди фан ва техника ютуқларига, илғор агротехника ва механизацияга таяниб, пахта ҳосилдорлигини йил сайин кўпайтирмоқдалар. Бизнинг ёшлар бригадамизда деҳқонларнинг кўпчилиги ўрта маълумотли кишилардир. Йигит ва қизлардан етти киши мураккаб техникани бошқаришни ўрганиб олган.

Ўнинчи беш йилликда республикамиз меҳнатчилари олдида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг катта истиқболи очилмоқда. Давлатга кўпроқ ва сифатлироқ «оқ олтин» бериш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ҳамма жойда пахта етиштиришни кўпайтириш резервлари бор. Бизнинг Китоб районимизни мисолга оладиган бўлсак, бу ердаги Макрид даштида олти минг гектар ерни ўзлаштирса бўлади. Бунинг учун сув ресурсларини кўпайтириш, сув омбори қуриш лозим. Пахтакорлар номидан бизга зарур бўлган шу иншоотлар қурилишини тезлаштиришни сўрайман.

Республикада, жумладан, бизнинг областимизда ҳам мўл ҳосил олаётган бригадалар сафи йил сайин кенгаймоқда. Масалан, биз 60 центнерлик ҳосил олиш учун курашаяпмиз. Аммо бизда гектар бошига 20-25 центнердан ҳам камроқ пахта олаётган бригадалар ва ҳатто хўжаликлар ҳали ҳам бор. Шу бригада ва хўжаликларни илғорлар даражасига етказиб олиш — пахта етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервларидан бирини ишга солиш демакдир.

Ер — ҳамма бойликларимизнинг манбаи. Ундан самарали фойдаланиш эса деҳқонларнинг шиори бўлиб қолиши лозим.

Биз қишлоқ коммунистлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга азми қарор берганмиз. **(Қарсаклар).**

## Ўртоқ В. Д. МЕДВЕДЕВ нутқи

**«Андижангидрострой» бошқармасининг бошлиғи**

Андижон сув омбори ёки область меҳнат аҳли меҳр-муҳаббат билан Андижон денгизи деб атаган объект Директивада кўрсатилган республикадаги энг муҳим қурилишлардан биридир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область экономикаси учун бу объектнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, сув омбори қурилишини жадаллаштириш тадбирларини кўзда тутадиган иккита қарор қабул қилди. Ўз сафларида қарийб 500 коммунист бўлган қурилиш партия ташкилоти, «Андижангидрострой» раҳбарлиги давлат планини сўзсиз бажаришга қурувчиларни сафарбар этиш соҳасида муайян иш қилди. Қурилишнинг барча участкаларида коммунистлар билан комсомолларнинг авангардлик ролини оширишга алоҳида эътибор берилди. Топширилган иш учун раҳбарларнинг масъулияти кучайтирилди, ишлаб чиқаришни яхшилашда мастернинг роли оширилди, социалистик мусобақа кенг авж олдирилди. Ана шу барча тадбирлар туфайли «Андижангидрострой» бошқармасининг коллективи ва унинг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари қурилиш суръатларини йилдан йилга кучайтирмоқдалар. Лекин юқори ташкилотлар — Сув хўжалиги министрлиги ва «Узводстрой» қурилишга, хусусан унинг моддий-техника таъминотига кўпроқ эътибор берганларида муваффақиятларимиз янада салмоқли бўлур эди.

Андижон сув омборининг аҳамияти бу иншоот Фарғона водийсидаги ерларни сув билан таъминлашни яхшилашга ёрдам бериши билангина чегараланиб қолмайди. Бундай нодир тўғон қурилиши чинакам юқори малакали кадрлар ўчоғи ҳам бўлиб қолади. Қурилиш йиллари мобайнида улкан қурувчилар коллективи ташкил топиб, камолга етди. Бундай жойни ҳақли равишда халқлар дўстлиги қурилиши деса бўлади. Бу ерда ўзбеклар, руслар, украинлар, белоруслар, қозоқлар, 28 миллат ва элатнинг фарзандлари бир тану-бир жон бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Қурилиш партия ташкилоти, раҳбарлиги кадрларнинг малакасини оширишга ҳамиша эътибор бермоқда, уларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиши учун шароит яратиб бермоқда. Шунинг натижасида трестдаги ҳар икки ходимнинг бири олий ёки ўрта махсус маълумотлидир. Ишчиларнинг техникавий саводи ошди. Эндиликда улар юксак ташаббускорликлари, меҳнатга ижодий ёндошишлари билан ажралиб турадилар.

Андижон гидрострой коммунистлари, барча қурувчилари КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини актив муҳокама қилмоқдалар. Улар мавжуд камчиликларни кўрсатиб бериб, ана шу камчиликларни бартараф этиш йўлларини мўлжалламоқдалар, ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар.

Қурилишнинг кўп минг кишилик коллективи янги улуғвор вазифаларни амалга ошириш катта ижодий куч-ғайрат, фидокорона меҳнат талаб қилишини тушунади. Шунинг учун ҳам қурувчилар ўнинчи беш йиллик Ватанимизнинг янада равнақ топиши ва халқ фаровонлигини ўстириш йўлида самарадорлик беш йиллиги, сифат беш йиллиги бўлиши учун қўлларидан келган ҳамма ишни қиладилар. **(Қарсаклар).**

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Р. 03190. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 30.